



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 3 ноябрь, № 217 (6652)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САЙЛОВ — 2016

Шу йилнинг 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги кузатувчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси ўз фаолиятини бошлади

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов Комиссиянинг ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётгани ва ижобий натижалар бераётганини таъкидлади. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси расмий веб-сайтида жорий йилнинг 21 октяб-рида эълон қилинган ҳисоботида айтилганидек, Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг барча босқичи қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Хисоботда 2015 йилнинг март ойида ўтказилган Президент сайлови якунларига кўра, ўша йилнинг де-

кабрь ойидаёқ “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунларга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ижобий баҳоланди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирокини енгилаштириш мақсадида Президентликка номзод кўрсатиш учун зарур бўладиган имзолар сони қисқартирилгани, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги норманинг мустаҳкамлаб қўйилгани, ҳамдада сақлаш жойларида сайлов участкалари тўзилиши, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва таомили мустаҳкамлаб қўйилгани, овоз бериш бошланмишига бир кун қолганида “жимлик куни” ўрнатилиши ҳамда бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар алоҳида қайд этилган.

(Давоми 4-бетда).

Манфаатли ҳамкорлик йўлидаги муҳим форум



Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида ташкил этилган Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини якунлади. Унинг доирасида иштирокчилар ўртасида маҳсулот сотиб олиш, етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш юзасидан ўтган йилдаги нисбатан 1,16 баробар кўп шартномалар тўзилиб, келишувларга эришилган форумнинг самарали кечганидан далолатдир.

Саноатчиларнинг йирик анжуманига айланган мазкур тадбир иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш билан бирга, корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқаришга инновацияларни лойиҳаларни татбиқ этиш, қисқача айтганда, самарали фаолиятни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Ўн кун давом этган бу галги ярмаркада саноат корхоналарига ўз маҳсулотларини кенгроқ намойиш қилиш, янги ҳамкорлар топиш, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш, қўшимча шартномалар имзолаш учун зарур шарт-шароит яратиб берилди. Бинобарин, “Ўзэкспомарказ”нинг 7 павилони, 2 атриуми,



Ҳосон ПАЙДОЕВ олган сурат.

очиқ майдонлар ҳамда конференция заллари иштирокчилар ихтиёрида бўлди.

Шу маънода, форумнинг нечоғли самарали ўтганини унда қарийб уч мингта корхона ва ташкилот, шу жумладан, 2200 дан кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашиб, ўзларининг 22 мингдан ортқ маҳсулотларини намойиш этганидан ҳам билиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг мингтадан кўпроғи 2015-2016 йилларда ишлаб чиқарилиш ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир.

— Бу йилги ярмаркада 100 дан зиёд корхоналаримизда тайёрланган 120 турдаги маҳсулотларни намойиш этдик, — дейди “Ўзбекизоққовқатхол-

динг” холдинг компаниясининг маркетинг ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Юнусов. — Импорт ўрнини босувчи қайта ишланган гўшт, суг ва қандолат маҳсулотлари, қадоқлаш идишлари ҳамда қоплар, салқин ичимликлар шулар жумласидандир. Қайд этиш кераки, мазкур тадбирнинг биз, саноатчилар учун фойдали томонлари жуда кўп. Чунки унда қатнашчиларга янги ҳамкорлар билан музокара ўтказиш, манфаатли келишувларга эришиш учун ҳамма имкониятлар яратиб берилди.

(Давоми 4-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг Ўзбекистон ХДП Х қурултоидаги маърузаси чоп этилмоқда.

Мазкур маъруза Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-3-саҳифаларга қаранг. >>>

Истиқболли лойиҳалар

темир йўл тизими ривожига хизмат қиляпти

Бугунги кунда мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизимини такомиллаштириш, юк ва йўловчи ташиш ҳажмини сифат жиҳатидан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Буни темир йўл тизимидаги ўзгариш ҳамда янгиланишлар мисолида аққол қўриш мумкин.

АНЖУМАН

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида уюштирилган матбуот анжуманида шулар жумласида сўз юритилди. Унда жорий йилнинг тўққиз ойда амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди.

Дарҳақиқат, бу йил Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл

линияси қурилиши тўлиқ аяқланиб, юк ва йўловчи поездлар ҳамда “Самарканд — Бухоро” йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновчи ташкил этилгани соҳа равнақи йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

(Давоми 4-бетда).

Сарвар Отамуратовнинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан номзод Сарвар Отамуратовнинг Қорақалпоғистон Республикасида сайловчилар ва кенг жамоатчилик билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси барча туман ҳамда шаҳарларининг сайловчилари билан онлайн видеоконференция орқали мулоқот тарзида ўтказилди. Учрашувда номзоднинг ишончли вакили Тажибай Романов иштирокчиларни Сарвар Отамуратовнинг таржimai ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод ўз Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳақида нутқ сўзлади. Номзод ўз дастурида маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, ижтимоий, ахборот, спорт ва ташки сиёсат соҳаларида бир қатор вазифалар белгиланганини айтиб ўтди. Хусусан, унда маданий мерос объектларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, Қорақалпоғистонда тарихий обидалар ва зияратгоҳлар жуда кўп. Улар қаторида Беруний туманидаги Қултон Увайс халъаси, Ҳўжайли туманидаги Миздақон археология ёдгорлиги, Эллиқалъа туманидаги Тупроққалъа ҳамда бошқа маданий мерос объектларини келтириш мумкин.

Шунингдек, И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи ва Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейида жуда қимматли қўлзмалар, экспонатлар, коллекциялар ҳамда архив ҳужжатлари сақланмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида бундай улугвор тарихий меросни асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш бўйича муайян ишлар қилинган. Аммо партиянинг Қорақалпоғистон Республика кенгаши ва Ҳўқорғи Кенгесидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари назорат-таҳлил фаолияти шуни кўрсатдики, ҳали бир қатор маданий мерос объектлари ҳисобга олинмаган, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари тўлиқ тоифалаштирилмаган.

Ана шулардан келиб чи-

қиб, Қорақалпоғистон Республикасидаги маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш зарур. Музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштириш лозим. Керак бўлса, уларнинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхати-га кирмаганлигини унга киритишда фаоллик кўрсатиш — асосий вазифамиздир, деди номзод.

Шунингдек, номзод учрашувда Сайловолди дастурининг бошқа соҳалари хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Тадбирда иштирокчилар номзоднинг дастурига ўз муносабатини билдирди. Сайловчилар айтиб ўтганидек, Қорақалпоғистонда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, айнакча, чекка ва олис ҳудудларда бу борада ўз ечимини қутаётган масалалар мавжудлиги айна ҳақиқат. Номзод илгари сўраётган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳудуддаги таълимий-маданий қимматга эга бўлган объектларни давлат ҳисобига олиш, моддий-маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва номодий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритишга хизмат қилади.

Номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси И. Сейтназарова, Нукус шаҳридаги 31-умумтаълим мактаби директори В. Каленова, Онкология касалликлари диспансери бош шифокори М. Қўрбонов ва бошқалар сўзга чиқди-лар ҳамда сайловчиларини Президентликка номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.

Ҳадиёт АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Наманган вилояти кенгаши раиси С. Мўминов очди.

Йиғилиш аввалида Биринчи Президентимиз Исро Каримов хотираси эди этилди. Исро Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилояти ҳам изчил ривожланмоқда. Саноат тармоқлари кенгайиб, туманларда янги замонавий корхоналар ишга тушириляпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг қўлида иқтисодиётдаги салмоғи тобора ортаётди. Янги уй-жой ва ижтимоий объектлар бунёд этилиб, шаҳару қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макрок-ликнинг барқарорлиги ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳудудларни комплекс ва изчил ривожлан-

тириш, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда видеоконференция орқали Наманган шаҳри ҳамда барча туман марказларида йиғилган сайловчилар иштирок этди.

Меҳнат фахрийси Ш. Нуриддинов, “Афрўз Камол Наби” масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори С. Нўмонов, “Истиклол текстиль дизайн” масъулияти чекланган жамияти директори Б. Умаров, Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси М. Истамқуллова, “Имрон текстиль груп” хусусий корхонаси раҳбари И. Қутбиддинов, меҳнат фахрийси И. Бўстонов, Поп туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси З. Ҳайдарова, Чўст тумани хотин-ўринбосари, туман ҳотин-қизлар қўмитаси раиси Н. Бозорова, Косонсой туманидаги “Қўқимбой” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С. Қосимова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидла-

ди. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Ў.А.

Хатамжон Кетмоновнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви

Шу йилнинг 2 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашди.

Онлайн видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувда Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларидagi олти мингта яқин сайловчилар қамраб олинди.

Тадбирда номзоднинг ишончли вакили Меҳрох Дарханов йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржimai ҳоли билан таништирди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов нутқ сўзлаб, иштирокчиларга Сайловолди дастурини тақдим қилди.

Номзод ўз чиқишида сайлов — халқнинг хоши-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси эканини алоҳида таъкидлаб, ўзи илгари сўраётган Сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, Дастур Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг парламентдаги кўпчилик — Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилгани, бунинг натижасида муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор гояларга асосланган. Унда мамлакатнинг ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган салохиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатлами, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, сайловчиларни сайлов куни Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

Учрашув сўнггида номзод сайловчиларни қизиктирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш каби вазифалар ўрин олган.

Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашнинг мураккаб янги ва замонавий усуллари жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини қўйиштириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезонини уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалаларига дастурда алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Қизилгул Қосимова, партиянинг вилоят кенгаши сектори мудири Гули Абдурахимов, партиянинг Ангрен шаҳар кенгаши раиси Иномжон Абдуқаюмов ва бошқалар сўзга чиқиб, номзод дастурида илгари сурилган мамлакатнинг ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган салохиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатлами, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, сайловчиларни сайлов куни Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

Учрашув сўнггида номзод сайловчиларни қизиктирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наримон Умаров Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви 2 ноябрь куни Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтди.

Унда корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари, тадбиркорлар, маҳаллалар фаоллари, жамоатчилик, партия электорати ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Онлайн видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда асосий залда 250 нафардан ортқ, туманлардан 1300 нафарга яқин киши иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Р. Раупов олиб борди. Наримон Умаровнинг ишончли вакили, вилоят партия кенгаши матбуот котиби Комил Сахатов йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржimai ҳоли билан таништирди.

Н. Умаров қашқадарёликларга мурожаат қилар экан, айна пайтда уч миллиондан ортқ аҳоли истикомат қиляётган бу бетакор замин меҳнаткашлари ўзларининг самарали ва бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга катта ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

Номзод Қашқадарё вилояти сайловчиларига ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари хусусида сўзлаб берди.

Таъкидланганидек, иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиктисодий барқарорлиқ янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк ва сугурта тизимларини мустаҳкамлаш, давлатнинг таъши қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш бораётидиган сиёсатни давом эттириш Президентликка номзоднинг дастуридан алоҳида ўрин эгаллаган.

Дастурда белгиланганидек, замонавий ижтимоий давлат фақат юксак ривожланган, самарали ва ижтимоий йўналиштирилган иқтисодиётга асосланиб муваффақиятли фаолият кўрсатади. Бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари эса социал-демократиянинг эркинлик,

адолатлилик ва бирдамлик каби асосий қадриятларини амалга оширишда муҳим восита бўлади.

Н. Умаров вилоятнинг иқтисодий салохияти ҳақида тўхталар экан, ҳозир республикамизда қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтининг 92 фоизи айна шу ҳудуд ҳиссасига тўғри келаяётганини қайд этди. Шундан келиб чиқиб, номзод нефть-газ соҳасидаги мамлакатимиз йирик компанияларининг марказий бошқаруви органларини вилоятнинг тегишли кичик шаҳарларига кўчириш тақлифини илгари сурди. Бу, унинг фикрига кўра, нефть-газ соҳасидаги бошқарув тизимини опти-маллаштириш, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфрақурилишини яхшилаш, янги иш ўринлари очиш ва пировардига аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга имконият яратишини таъкидлади. Мазкур тақлифни сайловчилар кўтаринки қафидатга қабул қилдилар ва тўла қўллаб-қувватладилар.

Наримон Умаров учрашув иштирокчиларининг қўллаб-қувватлашга жавоб бера экан, Президент сайлови мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа эканини, у юртимиз тараққиёти йўналишини белгиллаб беришини қайд этиб, Қашқадарё вилояти сайловчиларини 4 декабрь куни овоз беришда фаол қатнашишга чақирди.

Тадбирда халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутаты А. Бобоев, Қарши давлат университети қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари И. Ражабова, Қарши тиббиёт коллежи ўқитувчиси Н. Мамадиев, ЎзМТРК Қашқадарё вилояти телерадиоканьяниси радио гуруҳи муҳаррири З. Бобоназарова ва бошқалар Наримон Умаров номзоди бўйича сўзга чиқдилар ҳамда бўлажақ сайловда уни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хатамжон Кетмоновнинг Ўзбекистон ХДП Х қурултойидаги маърузаси



Ассалому алайкум, ҳурматли қурултой иштирокчилари!

Барчамизга маълумки, истиқлолимизнинг ўтган 25 йили давомида мамлакатимизда мисли қўрилмаган ютуқларга эришилди. Хусусан, замонавий ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодиётни вужудга келтириш, “Ислохот — ислохот учун эмас, балки инсон, унинг манфаатлари учун” деган шiorдан келиб чиққан ҳолда, қучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, юртимизда фуқаролар ва миллатлараро ҳам-жихатлики мустаҳкамлаш, мамлакатимиз, халқимиз хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, оқилона ташқи сиёсат олиб бориш орқали халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш борасидаги оламшумул натижалар бунинг ёрқин исботидир.

Она юртимиз Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар каторига кириши учун асос бўлаётган бундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз навбатида, жамиятимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, сиёсий партияларни ривожлантиришга ҳам сезиларли ижобий таъсирини кўрсатди.

Конституция ва унинг негизига яратилган ҳамда пухта ишлаб чиқилган қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларининг самарали фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишини таъминлади. Айниқса, истиқлол йилларида қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни янада мустаҳкамланганлиги уларнинг жамият ҳаётига таъсир кучини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Шунга мувофиқ равишда мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуктаи назари, позициялари мустаҳкамланмоқда, уларнинг дастурларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари акс этмоқда. Сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўринларни кўлга киритиш орқали ўз мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишга интиломоқда.

Таъкидлаш лозимки, буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг ўз мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириши, электорат манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиши учун мустаҳкам замин яратди.

Партияимиз ҳам ана шундай шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, асосий эътиборни, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаат-

ларини ҳимоя қилиш масаласига қаратмоқда.

Жумладан, партияимизнинг IX қурултойидан кейинги қисқа вақт ичида электорат манфаатларига дахлдор бўлган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2014 йил декабрь ойда бўлиб ўтган сайлов натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27 нафар депутатдан иборат Ўзбекистон ХДП фракцияси тузилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 214 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 1649 нафар депутатдан иборат партияимизнинг жами 178 ғуруҳи қонунчиликка мувофиқ ташкил этилди.

Ўтган вақт мобайнидаги энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларимиздан бири сифатида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилиниб, ижрога йўналтирилганлигини айтишимиз мумкин.

Унда партияимиз Сайловолди дастуридаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда қабул қилинган мақсадли дастурларнинг ижроси юзасидан депутат ва парламент назоратини олиб бориш бўйича маҳаллий Кенгашлардаги партия ғуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бориш билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларни электоратимиз манфаатлари нуктаи назаридан такомиллаштиришда фаол иштирок этди.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ташаббуси билан 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси тўғрисида ҳамда мазкур Дастурнинг 2016 йилнинг биринчи ярмидаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирынинг ахбороти юзасидан парламент эшитувлари ўтказилганлиги эса энг муҳим амалий натижа бўлди. Ушбу эшитувлар якуни бўйича Қонунчилик палатасининг Дастурининг ҳудудлар ва тармоқлар кесимида сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу йўналишда депутатлар корпуси ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш, келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарорлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ҳаракат дастури доирасида 2015 йил ва 2016 йилнинг 9 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП ғуруҳлари томонидан 138 масала сессияларда,

200 масала доимий комиссия йиғилишларида, 321 масала партияимиз ғуруҳларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, жойларда мафқуравий, “Фаол аёллар” ва “Истикбол” ёшлар қаноти йўналишларидаги бир қатор ижтимоий лойиҳалар доирасида мақсадли тадбирлар ҳамда партиянинг бошқа ижтимоий аҳамиятга эга ташаббуслари изчил амалга оширилмоқда.

Ҳурматли қурултой қатнашчилари!

Маълумки, сайлов халқнинг хоҳиш-иродасини рўйбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси ҳисобланувчи улкан ижтимоий-сиёсий воқеадир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэътироф этилган меъёрларга мувофиқ тарзда сайлов тизими шакллантирилди.

Энг муҳими, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципал қоида мустаҳкамланди.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, факатгина сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, сайлов тизимига, жумладан, Президент сайловиغا татбиқ этилган бундай ўзгаришлар 2015 йил март ойда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тўла маънода ўзини оқлади. Буни дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам эътироф этганлигини барчамиз яхши эслаймиз.

Энг муҳими, унда халқимиз Ўзбекистон таълими демократик ҳуқуқий давлат ва қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир марта намоён этди.

Азиз юртдошлар!

Барчамизга маълумки, 2016 йилнинг 9 сентябрга кунли Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунли 2016 йил 4 декабрь кунли, деб белгиланди.

Шу кунларда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига жиддий тайёргарлик кўриломоқда.

Шундан келиб чиқиб, бугунги қурултойимизда мазкур сиёсий жараёнда партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлаш, партия номзодини кўрсатиш масалаларида сизлар

билан фикрлашиб, долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Аввало, шунга қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли дамларда бўлиб ўтмоқда.

Партияимиз Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишни кўзлаб, сайлов жараёнида фаол иштирок этишни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Шунинг учун барча партия тузилмаларимиз мазкур сайлов жараёнида юксак масъулиятни ҳис этиб ҳаракат қилиши, сайловчиларнинг демократик онгу тафаккурини ошириш, фуқароларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини қучайтириш масалаларида астойдил ҳаракат қилиши зарур.

Олдинги сайловларда тўплаган тажрибамиздан маълумки, сайлов кампаниясининг барча босқичларида партия ташкилотларининг фаол иштироки этишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу мақсадда, 14 сентябрь кунли Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг Ўзбекистон ХДП сайлов штабларини ташкил этиш бўйича қарори қабул қилинди. Унга кўра, штаб таркибида партиянинг сайлов мавсумидаги иштирокини ташкилий, ахборот-таҳлилий, ташвиқот-тарғибот, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ва Ўзбекистон ХДПнинг кенг жамоатчилиги билан алоқаларини изчил йўлга қўйиш бўйича ишчи ғуруҳлари тузилиб, уларга Марказий Кенгашнинг тегишли бўлинмалари бўйсундирилиши ҳамда зарурат бўлган тақдирда қўшимча ҳодимлар билан мустаҳкамланиши белгилаб қўйилди.

Бундай штаблар Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳам тузилган.

Мазкур штаблар партия ташкилотлари, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва бошқа фаолларимизга, шунингдек, ўтказиладиган тадбирларга, ташкилий, ахборот-таҳлилий, моддий-техникавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиб боришлари лозим бўлади.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг “Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки бўйича асосий тадбирларнинг календарь режаси”дан келиб чиққан ҳолда, сайлов жараёнларининг барча босқичларида партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, фаолиятимизнинг қонунийлиги ва самарадорлигини таъминлаш, белгиланган ҳар бир вазифанинг ўз муддатида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, муаммолар вужудга келганда зудлик билан ҳал этиш масалалари ҳам улар зиммасига юкланди.

Қонунчилигимизга кўра, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунли овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиши ҳуқуқига эгадир. Кузатувчиларга, қонунга кўра, участка сайлов комиссиялари иши, сайлов участкаларида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қатта ҳуқуқлар берилган. Айни пайтда бу ҳуқуқларнинг муайян чегаралари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кузатувчиларга юкланаётган вазифаларни ҳисобга олсак, аввало, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, билим ва қўнималарини ҳар томонлама оширишга эътибор қаратиш зарур бўлади.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафаргача ишончли вакиллarga эга бўлишга ҳақиқдир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Шундай экан, ишончли вакилларни белгилашда партияимизнинг энг салоҳиятли, обрў-эътиборга эга ва фаол аъзоларини танлашимиз ҳамда уларнинг ўз ваколатларини тўлақонли амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Шунингдек, қонунчилигимизда сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланиши белгилаб қўйилган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Шунингдек, сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенглик таъминланади.

Бу жараёнда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувларнинг мазмун-моҳияти ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилувчи тарғибот воситаларида самарали фойдаланишлари талаб этилади. Шу ўринда партиянинг сайловолди қаҳриқ ва шiorлари, номзоднинг реклама ва роликлари ҳамда бошқа тарқатма материалларнинг савияси ва сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

“Ўзбекистон овози” ва “Голос Ўзбекистана” газеталари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг “Қарақалпақстан ҳаёзи”, Наманган вилоят кенгашининг “Халқ иродаси”, Сурхондарё вилоят кенгашининг “Халқ йўли” газеталарида партиядан кўрсатилган номзод сайловолди дастурининг асосий йўналишларини ифода этувчи материалларни жойлаштириб бориш зарур бўлади. Республикаимиздаги бошқа ОАВ билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Партияимизнинг марказий органлари ва маҳаллий ташкилотларимиз сайловолди ташвиқоти жараёнларида, биринчи навбатда, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини электорат орасида янада изчил ва чуқур тарғиб қилишга эътибор бермоғи лозим. Тегишли тарғибот материалларида партия ғоялари аққол ва таъсирчан акс этиши зарур.

Шунингдек, партия ташкилотларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий ҳамкорлик қилиши ниҳоятда муҳим масаладир.

Ҳурматли партиядошлар!

Олдимизда сайлов жараёнлари билан боғлиқ шундай жиддий вазифалар турар экан, бунда, албатта, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик ғуруҳлари ўз имкониятларидан самарали фойдаланиши керак бўлади.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзолари мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тизимини такомиллаштириш, бунда, айниқса, сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини қучайтириш борасида амалга оширилган ишларни аҳолининг кенг қатламлари орасида тушунириш масаласига эътибор қаратишлари лозим.

Партияимизнинг ҳудудий кенгашлари олдида Ўзбекистон ХДП сайлов штаблари ва Ўзбекистон Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллар, кузатувчилар фаолиятини самарали ташкил этиш, сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ энг муҳим масалалар туради.

Сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари аҳоли билан иш олиб борар экан, электоратимиз вакилларида фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, сайлов ҳуқуқини тушуниб, ундан эркин ва масъулият билан фойдаланишга интилишини қучайтириш асосий эътиборда бўлиши керак.

Бу йўналишдаги ишларда партия туман ва шаҳар кенгашларининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан ҳамкорлигини янада қучайтириш талаб этилади. Сайлов жараёнларининг барча тадбирлари, айниқса, тарғибот-ташвиқот ишларига маҳаллий Кенгашлар депутатларини кенг жалб этиш ниҳоятда муҳим масаладир.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари бошланғич партия ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш ва аҳоли ора-

сида ижтимоий-сиёсий ишларни юртидаги роли ва аҳамиятини қучайтиришга қаратилган қатор ишларимиз сайлов жараёнларида ўз натижасини кўрсатиши лозим.

Чунки партиянинг бошланғич ташкилотлари аҳолининг кенг қатламларига энг яқин бўғиндир. Шу боисдан ҳам улар олдига аҳоли ижтимоий ғуруҳлари орасида партиянинг салоҳиятли тарафдорларини аниқлаш, уларнинг сиёсий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, ижтимоий, сиёсий ва фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш борасида аниқ вазифалар қўйилади.

Бу жараёнда электоратимизнинг ёш вакиллари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта овоз берадиган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Шунингдек, хотин-қизлар, хусусан, оилада фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг электорал фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу масалалар Ўзбекистон ХДПнинг “Истикбол” ёшлар ва “Фаол аёллар” қанотлари етакчилари, фаолларининг диққат-марказида туриши керак.

Қисқача айтганда, сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон ХДП барча ташкилотларининг фаолияти сайлов жараёнларининг ҳар бир босқичида қонунчиликка амал қилган ҳолда, фаоллик кўрсатиш ҳамда электоратимизнинг сайлов кампаниясида фаол иштироки этишини таъминлашга қаратилиши лозим бўлади.

Ҳурматли қурултой иштирокчилари!

Барчамизга маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга ўзининг келгуси фаолият дастури билан қикши ҳуқуқи берилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясида кўрсатилаётган номзоднинг Сайловолди дастури партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Парламентдаги кўпчилик — Демократик қучлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилгани, бунинг натижасида муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларига асосланиди. Булар, энг аввало:

— мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган қучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш;

— энг кам истеъмол ҳаражатлари (истеъмол “саватча”си) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

— аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш;

— аҳоли бандлигини таъминлашнинг мулқаро янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини қучайтириш;

— ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезонлари, уларни ҳаётга татбиқ қилишда яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш демакдир.

Биз учун асосий устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қучли ижтимоий сиёсатни юритишдан иборатдир.

Бу меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини, ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратилишини, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий ғуруҳлари ҳаётини қучайтиришга тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизими шакллантирилиши билан боғлиқ масалаларни қамраб олади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хатамжон Кетмоновнинг Ўзбекистон ХДП Х қурултойидаги маърузаси

◀ (Давоми. Бошланиш 2-бетда).

Биз, ўз олдимизга қўйган бундай мақсадларни самарали амалга ошириш ва уларга эришиш учун қуйидаги йўналишларни устувор, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий таъкомиллаштириб бориш зарур. Хусусан, меҳнат бозоридаги талаб-таклифни тўлиқ ҳисобга олиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда ҳудуднинг жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини аниқлаштириш, касб-ҳунар коллежлари йўналишларини белгилашда ташкил этилаётган корхона ва тадбиркорлик субъектларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш лозим.

Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш давомида барқарор иш ўринларини яратиш кўрсаткичлари мазкур дастурларнинг муҳим мезонларидан бири бўлишига эришиш керак.

Ушбу мақсадда, авваламбор, муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақлиф этаётган корхоналарда, хусусан, юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича сарф-ҳаракатларни фаоллаштириш лозим.

Бу йўналишдаги муҳим масала — меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини таъкомиллаштиришдир.

Яна бир муҳим масала, касб-ҳунар коллежи битирувчиларига, уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш, истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига боғлиқлигини таъминлашдир. Шунингдек, муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратяётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш, бунда, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратиш талаб этилади.

Иккинчидан, иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз, бу — давлатимизнинг иқтисодий-молиявий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлаштириш орқали аҳолининг, хусусан, унинг эҳтиёжманд қатламларининг турмуш

даражасини янада яхшилашга йўналтиришдан иборатдир.

Бунинг учун, аввало, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига эътиборни қўчайтириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омили бўлган қурилиш соҳасини модернизация қилишга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Қурилиш ташкилотларининг кенг ривожланиши, бу соҳада замон талабига жавоб берадиган мутахассислар, техника воситалари билан таъминланиши талаб даражасида эмас.

Хорижий давлатларнинг қурилиш ташкилотлари бугунги кунда пудрат хизматлари экспорти билан жадал шуғулланиб, ўз давлатига валюта тушуimini ошираётган бир пайтда, миллий қурилиш ташкилотлари бундай имкониятга эга эмас ва бундай талабларга жавоб ҳам бერмайди.

Шунинг учун биз ўз Сайловолди дастуримизда ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, қатор тақлифларни илгари сурдик. Бизнингча, қурилиш ташкилотларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, янги технологияларни жорий қилиш, малакали мутахассисларни ёллашга имконият берувчи шароитлар яратиш мақсадида солиқ юкни камайтириш; собиқ тузум даридадан буён фойдаланиб келинаётган, эскирган қурилиш стандартлари, норма ва қоидалари ўрнига бутун дунёда амал қилиб келинаётган еврокодлар тизимига ўтиш лозим.

Қурилиш соҳаси ривожланиши истиқболларига мувофиқ, етарли даражада малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш, уларни хорижий давлатларга малака оширишга юбориш бу соҳадаги дастлабки вазифалардан бўлмоғи лозим. Мазкур ислохотлар, авваламбор, янги инновацион технологияларни ва материалларни қўллаш, қурилиш хизмати бозорларида мамлакатимиз мутахассислари рақобатбардошлигини таъминлаш билан бирга, ўзбек компанияларининг хорижий қурилиш ва хизмат бозорларига чиқишларига шароит яратади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг йириклашишини рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини юритиш, корхоналарнинг таснифга “ўрта корхона” тушунчасини киритиш лозим. Чунки қонунчилигимизда белгиланган кичик ва йирик корхоналар томонидан ундириладиган солиқлар тизими-

нинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва давлат бюджетини шакллантиришдаги иштироки катта фарқ қилади. Жумладан, йирик корхоналар томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 44 фоизи ишлаб чиқилиб, улардан 89,8 фоиз солиқ ва тўловлар ундирилган бўлса, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,1 фоизни ташкил этиб, уларнинг солиқ ва бошқа тўловлари 10,2 фоизни ташкил этмоқда. Кичик корхоналар томонидан ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари ҳам йирик корхоналар тўлаётганидан 2 бараваргача пастдир. Ҳозирги солиқлар ва имтиёзлар тизими кичик корхоналарнинг йириклашишига халақит қилмоқда.

Мазкур масалаларни тартибга солишда даставвал соҳага оид қонунчилик базасини таъкомиллаштириш, хусусан, кичик корхоналар йириклашиш жараёнида катта солиқ юкламасига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида “ўрта корхона” тушунчасини киритиш, яъни йирик, ўрта ва кичик корхоналар мезонларини белгилаш, кичик корхоналарнинг йириклашиши ва янада ривожланишига хизмат қиладиган солиқ ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Ўз ўрнида турли имтиёзларни бериш йўллари орқали иш берувчи ва ходим ўртасидаги норасмий меҳнат муносабатларини қонун доирасига киритиш, меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун эса тадбиркорларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш ва давлат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳам эътибордан четда қолмаслиғи лозим.

Мазкур тақлифлар, шак-шубҳасиз, кичик корхоналар йириклашишига, янги иш ўринлари яратишга, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини қўчайтириш ҳам иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг қўшимча омилига айланишига олиб келади. Бунинг учун маҳаллий хом ашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатдош, юқори қўшимча қийматга

эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш, мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларда ушбу йўналишдаги оливали тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантиришни қўчайтириш масалаларига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, аҳолининг кўпчилиги манфаатлари йўлида кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, мазкур устуворликка амал қилган ҳолда, етакчи ижтимоий соҳаларнинг тижоратлашувини чеклаш, жамият барча аъзоларининг ишончли ижтимоий кафолатлари таъминланиши масалаларида бизнес масъулиятини ошириш бугунги куннинг талабидир.

Учинчидан, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини изчил давом эттириш лозим.

Бунда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдамни, асосан, кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар ва болаларга йўналтириш низоҳатда муҳим масалалардир.

Яна бир муҳим масала, бугунги кунда партияимиз электоратининг асосий қатламини ташкил этувчи жисмоний имконияти чекланган, турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолган фуқароларимизнинг ижтимоий ҳаётга қиришмишлари учун барча шароитларни яратишдир.

Бугунги кунда ижтимоий объектларда, барча иншоотларда ногиронлар учун махсус кириш йўлага — пандуслар бўлиши даркор. Янги қурилаётган объектларни лойиҳалаш ишлари, шунингдек, қуриб битказилган объектларни фойдаланишга топшириш жараёнида Ногиронлар уюшмаси иштироки қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, мазкур нормалар амалда ишланмаяпти. Аксарият биноларда ногиронлар учун пандуслар умуман йўқ, мавжуд бўлганларининг аксариятидан фойдаланишнинг имкони йўқ. Пиёдалар йўлакчалари ҳам ногиронлар учун мосланмаган.

Мазкур масалаларни бартараф этиш мақсадида қатор чораларни амалга ошириш, хусусан, мавжуд барча бино ва иншоотларни, айниқса, давлат идораларини ногиронлар қира олишлари нуктаи назаридан хатловдан ўтказиш ва йўлакчаларни ногиронларга мослаш бўйича махсус

давлат дастурини қабул қилиш даркор, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ролини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархини белгилаш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қўчайтириш орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляцияга даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш, коммунал хизматларнинг камхарж шаклларини кенгайтириш зарур. Хусусан, тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш шулар жумласидан.

Тўртинчидан, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имконияти ҳамда обод турмуш тарзини таъминлаш масаласи ҳам бизнинг диққат-марказимиздадир.

Мазкур соҳада аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти ҳамда дори-дармон воситалари нархи устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қўчайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш масалаларини тақлиф этмоқдамиз.

Мамлакатимизда автотранспорт воситалари кўпайиб бораётганлиги натижасида йўллар, катта шаҳарларнинг қўчалари тирбанд бўлиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўли пиёдалар йўлакларини капитал таъмирлаш, экологик тоза, соғлом турмуш тарзига замин яратувчи велойўлакларни қуриш ва тегушли инфратузилмани яратишдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий масалалар ҳақида гапирганда, албатта, аҳолига, хусусан, ёш авлодга юқори даражада таълим олиш имкониятларини кенгайтириш низоҳатда муҳим эканлигини таъкидлашимиз лозим. Бу борада, аввало, жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини олдидан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш давр талаби ҳисобланади.

Бешинчидан, биз учун демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда, аввало, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви орган-

лари фаолияти натижаларини ошқора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш амалиётини изчил ривожлантириш, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш зарур.

Шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизми оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини қўчайтириш ҳисобида суд қарорлари ижроси сифатини ошириш, судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, фуқароларнинг судга мурожаат қилиши ва суд ҳужжатларини олишининг электрон тизимини жорий қилиш лозим.

Олтинчидан, ташқи сиёсат масалаларида қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

қўшни мамлакатларга нисбатан очиқ ва прагматик сиёсат юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва фойдали ҳамкорлиқни ривожлантириш, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташаббусларни илгари суриш борасидаги сарф-ҳаракатларни изчил давом эттириш низоҳатда муҳим масалалардир.

Ташқи сиёсий фаолиятнинг муҳим вазифаси — Ўзбекистоннинг минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишдаги фаол ва ташаббускор иштирокидир. Ушбу мақсадларда Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва қўчайтириш зарур.

Ҳурматли қурултой делегатлари ва иштирокчилари!

Қўриб турганингиздек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилаётган номзоднинг дастуридида мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар камраб олинган.

Уларнинг рўёбга чиқарилиши, албатта, юртимиз ободлиғи ва халқимиз фаровонлиғига хизмат қилади.

Сўзимни якунлар эканман, олдимизда турган шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизларга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат тилайман.



МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ!

ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси ўз фаолиятини бошлади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиб-таомилини, сайловолди ташвиқоти ташкил этилишини ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилишини, шикоят ва аризалар кўриб чиқишини, шу жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар расмийлаштирилишини, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда бурчларига оид масалаларни тартибга солувчи ҳужжатларни янгилади.

Учрашувда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси фаолияти, унинг Ўзбекистонда сайловни кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари ҳусусида фикр алмашилди.

Таъкидлаш лозимки, Бюронинг сайловни кузатиш бўйича миссияси таркибига асосий ғруҳ билан бирга, 20 нафар узок мuddатли кузатувчи, овоз бериш куни сайлов участкаларида кузатувни амалга оширадиган 250 нафар қисқа мuddатли кузатувчи киритилган. Жорий йилнинг 5 ноябрь куни мамлакатимизга келадиган узок мuddатли кузатувчиларнинг вазифаси юртимизда, хусусан, жойларда сайлов жараёнининг турли босқичларини кузатишдан иборат. Кузатув нати-

жалари Бюрога сайлов жараёни ҳақида тўлалигича ҳисобот тузиш имконини беради.

Кайд этиш жоизки, Марказий сайлов комиссиясининг таклифи ҳамда мамлакатимизнинг мазкур муҳим сиёсий тadbирини халқро стандартларга мувофиқ, очик ва ошқора ўтказишга тайёрлиги эътиборга олиниб, сайловни кузатиш бўйича тўлиқ таркибдаги миссия Ўзбекистонга илк маротаба юборилмоқда.

Кеча, шунингдек, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси раҳбари Петер Тейлер мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Тадбирда у Президент сайловини кузатиш бўйича миссиянинг асосий вазифалари ҳақида тўхталди.

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11 — 14 октябрь кунлари Марказий сайлов комиссиясининг таклифига биноан мамлакатимизда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси фаолият олиб борди. У сайловга тайёргарлик кўришининг бориши ва сайловолди жараёнини ўрганди, Марказий сайлов комиссиясида, Олий Мажлис, Олий суд, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, шунингдек,

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) идорасида учрашувлар ўтказди, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан мулоқот қилди. Уларга миллий сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги ҳақида батафсил ахборот тақдим этилди.

Сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунчилик талабларига мувофиқ, очик ва ошқоралик таъминилари асосида ўтказилмоқда. Экспертлар Ўзбекистон ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан қатор тавсиялари бажарилганини таъкидлашди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси расмий веб-сайтида Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи эълон қилинди. Унда Ўзбекистоннинг сайловни умумэътироф этилган халқро андозаларга мувофиқ ҳолда, очик-ошқора ўтказишга тайёргарлигини, қолаверса, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тавсиялари бажарилганини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизга тўлақонли кузатувчилар миссиясини юбориш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилингани қайд этилган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, миссия таркибига ЕХХТнинг 21 иштирокчи-мамлакатидан илгари Ташкилот ҳудудида Демократи-

институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси таркибида сайловни кузатишда бир неча маротаба иштирок этган экспертлар жалб қилинган.

— Биз Ўзбекистонда сайловнинг муваффақиятли ўтказилиши тарафдоримиз, — дейди миссия раҳбари П. Тейлер. — Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон қонунчилиги ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тавсиялари ҳамда умумэътироф этилган сайлов андозаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган. Биз сиёсий тadbирини кузатишда сайлов жараёнининг ЕХХТ мажбуриятларига, бошқа халқро ҳужжатларга, шунингдек, миллий қонунчиликка мувофиқлигига эътибор қаратамиз. Экспертлар сайлов комиссиялари ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятини, қонунлар ижроси ва сайлов жараёнида юзага келадиган баҳсли масалаларнинг ҳал қилинишини кузатиб боради. Бундан ташқари, миссия оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясининг ёритилишини мониторинг қилиб боради. Биз сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, журналистлар, сайлов комиссиялари вакиллари билан учрашамиз. Ушбу ишимизнинг натижалари якуний ҳисобот учун асос бўлиб хизмат қилади. Дастлабки ҳулосалар бўйича баёнотида сайлов кунининг эртасигаёқ расман эълон қилинади.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Халқро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг нуфузи йил сайин юксалиб, унга қизиқувчилар сони ҳам ортмоқда. Масалан, жорий йилги анжуманга 114 минг нафардан зиёд киши ташриф буюрди. Улар орасида

фаолияти кенг таништирилиб, кейинги йилларда иқтисодийётимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар, тармоқларда рўй бераётган янгиликлар, худудларнинг саноат салоҳияти ҳусусида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Бундан ташқари, ярмар-

лакатимизда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар самараси, албатта. Ярмаркада вилоятимиз ишлаб чиқарувчилари ҳам фаол иштирок этди. Яъни унда 68 та саноат корхонаси қатнашган бўлса, яқинда улар томонидан 325 миллиард сўмликдан зиёд 152 та ички шартнома

Манфаатли ҳамкорлик йўлидаги муҳим форум

Россия, Қозоғистон, Туркманистон, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Болгария, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Канада сингари 35 та мамлакатнинг 1000 дан ортқ компания ҳамда корхоналари вакиллари борлиги диққатга сазовордир.

Шунингдек, ярмарка доирасида долзарб мавзуларда турли семинару учрашувлар, тақдимот маросимлари ташкил қилиниши ҳам анъана тусини олган. Х Халқро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давомида етакчи саноат тармоқлари, ишлаб чиқариш субъектлари, кичик бизнес вакиллари ҳамда худудларнинг 52 та тақдимот маросими ўтказилди.

Шу аснода қатнашчиларга табдиркорлик субъектлари

када тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, суғурта ҳамда лизинг ташкилотлари томонидан консалтинг хизматлари кўрсатилгани ҳам иштирокчилар учун катта қулайлик яратди.

Жорий йилги табдирда автомобилсозлик, транспорт-коммуникация, энергетика, кимё, геология, қурилиш, фармацевтика, озиқ-овқат, енгил саноат каби иқтисодийётимизнинг муҳим соҳалари вакиллари, ишбилармонлар, хорижий фирма ва компаниялар мутахассислари фаол қатнашди.

— Сўнгги пайтларда Андижон вилояти саноати ҳам жадал тараққий этмоқда, — дейди вилоят ҳокимлигининг худудлари комплекси ривожлантириш йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси мутахассиси Жаҳонгир Каноллидинов. — Бу мам-

имзоланди. Экспорт бўйича тузилган шартномалар ҳажми эса 52 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Форум якунида, шунингдек, фаол иштирокчилар, энг яхши дизайн ва тақдимот маросимлари ўтказган компания ҳамда корхоналарга ташкилотчилар томонидан махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ана шундай эътирофга Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Arte!» компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» ҳамда «Ўқимёсаноат» акциядорлик жамиятлари, «Ўзгросаноат-машхолдинг» холдинг компанияси сингари бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари ва саноати тараққий этиб бораётган худудлар сазовор бўлди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидда ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган куйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

* Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 58-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 77/7-уйда жойлашган, умумий майдони 12829,0 кв. м., фойдаланиш майдони 11671,88 кв. м. бўлган ишлаб чиқариш цехлари ва омборхона бинолари.

Бошлангич баҳоси — 30 677 271 000 сўм.

* Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 62-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий майдони 1436,40 кв. м., қурилиш ости майдони 540,92 кв. м. бўлган кўчмас мулк объекти.

Бошлангич баҳоси — 403 091 695 сўм.

* Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 26-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимё» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 286,20 кв. м., тураржой майдони 173,7 кв. м. бўлган дала-ховли.

Бошлангич баҳоси — 393 670 782 сўм.

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв. м.дан иборат хонадон.

Бошлангич баҳоси — 355 817 000 сўм.

* Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобог кўчаси, 61, 63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 кв. м.дан иборат 2 қаватли хонадон.

Бошлангич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида кўчмас мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТ «InfinBANK» Шайхонтохур филиалидаги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

— юридик шахслар — давлат рўyxатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;
— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунлигини тасдиқлайдиган маълумот.
Кўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. Электрон почта: info@realtors.uz

Хизматлар лицензияланган.

Истиқболли лойиҳалар

темир йўл тизими ривожига хизмат қиляпти

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пировардида жамиятнинг темир йўл станцияларидан 50,5 миллион тонна юк ортилиб, ўз манзилига етказилди. Юкларни ортқиш ҳажми бир кеча-кундузда 184,5 минг тоннани ташкил қилди. Ташишлари амалга ошириш ҳисобига юк айланмаси ҳажми 13,68 миллиард

тонна-километрга етказилди.

Темир йўл хизматидан 15,8 миллион нафар йўловчи фойдаланган бўлса, 275,7 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилди. Тизимдаги саноат корхоналарида эса таққослама нархларда 312,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, Инвестиция

дастурига мувофиқ, жамиятнинг молиялаштириш манбаси ҳисобидан 673,66 миллион доллар миқдорда капитал маблағлар ўзлаштирилиб, улар «Ангрен — Попянг электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши», «Самарқанд — Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш»,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар учун математика, физика, инглиз тили фанлари бўйича тайёрлов курслари очилганлигини эълон қилади.



Тайёрлов курсларида тингловчилар тўлов-шартнома асосида 1 ойдан 10 ойгача бўлган мuddатларда таълим олишлари мумкин.

Аризалар 2016 йил 3 ноябрдан бошлаб қабул қилинади.

Гуруҳларнинг шаклланишига қараб машғулотлар ташкил этилади. Курс машғулотлари ҳар бир фандан ҳафтасига камида 2 марта тингловчилар билан келишилган ҳолда ўтказилади. Тайёрлов курсларида университетнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари машғулотлар олиб боради.

Тайёрлов курсларига таклиф этамиз!

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 246-08-32, 246-83-62, (+99894) 620-07-86.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй.

Мўлжал — метронинг «Беруний» бекати.

16598/719

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

06.01.05 — Селекция ва уруғчилик.

06.01.06 — Сабзавотчилик.

Керакли ҳужжатлар: директор номига ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки унга тенглаштирилган диплом ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналлар ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та), илмий-амалий конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларига, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси, фан номзоди бўлганлар учун номзодлик диссертацияси, автореферати, етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги, паспорт ва унинг нусхаси, яшаш жойи тўғрисида маълумотнома, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтикчи.

Шунингдек, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти 2017 йил учун мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

06.01.05 — Селекция ва уруғчилик.

06.01.06 — Сабзавотчилик.

Керакли ҳужжатлар: директор номига ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати ва уларнинг нусхалари, паспорт нусхаси, яшаш жойи тўғрисида маълумотнома, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтикчи.

Ҳужжатлар 2016 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: 111106, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўсарой» а/б. Тел./факс: (0-371) 226-85-03. Электрон почта: sabrkiti@qsvx.uz

14098/655

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 651 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.03 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.

Навбатчи — Д. Соколов.

Мусаҳҳих — С. Исоқов.